



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(9-кисм)

Гапнинг индаллоси, Тога билан гижиллашиб колдим. Илгари ҳам бир-икки ёвқараш килиб юрган эди, бугун чинакамига портлади. Чойхонанинг кунда-шундалари бирин-кетин узун-киска йўталиб, томок кириб, салом бериб кела бошлаган пайт эди. Тўрда кўкси очик

ок яктакли, рўмолчанинг тўрт бурчагига тугун солиб такир бошига кийиб олган Холмат тажанг кўр тўкиб ўтирибди. Каттикрок овозда салом бериб қўйсанг хам балога коласан. Дарров пешонаси тиришади, кўзлари олаяди, мушти кисилиб, томирлари ўклогдай бўртиб кўринади. Унинг ёнида хар гапига лутф кўшиб, бошкалардан аввал ўзи шараклаб куладиган Хаким пўрим, кийимига пашша кўнмокчи бўлсаям, ярим соат пуфлаб, чертиб тозалайдиган, кўчадан кесиб ўтаётган машинадан кўра чангидан кўркадиган бўлгани учун шунака лакаб олган экан. Шу пайт кўлини белига тираб, бурама хассасини дўкиллашиб Юнусхожи ота кириб келди. Эшик олдида хассасини чап кўлига олди. Ўнг кўлини соябон килиб, ёшланган кўзларини кисиб, ўтирганларга бирма-бир караб чикди.

– Шу ердамиз, хожим, келаверинг! – Ўтирган жойида сўз котди Хаким пўрим. Юнус ота кўрсаткич бармоги билан "битта чой" деб менга имладию тенгурлари томон юрди. Гириллаб чойни олиб бордим. У ўтирмаёк "гапбўрон" тагида қолиб кетди.

– Ха, хожим, хаяллаб колдилар? Бешикдан кеч ечишдими? Ё маликаи дилозордан ижозат ололмай кийналдиларми? – Пўрим шеригига кўз кисиб Юнус отани "тергов" кила бошлади.

У жавоб ўрнига тишсиз огзини очиб кулди. Кейин индамай улфатлари ёнига чордона кўриб ўтираркан, бошини кашиб Пўримга каради.

– Ман-ку бир илож килиб рухсат олдим, – деди. – Аммо санга рахмим келади, Пўрим. Чойхонага чикиш учун кампирингга ўсма сикиб бериб, курагини кашиб, аранг кўндирасан.

Учовлари бараварига ких-кихлаб кулишди.

Яна пўримнинг тили кичиди:

– Ўсма сиксам майлию, ўзларига ўхшаб уч ойлик нафакани курбон килиб, кампирингга тилла тиш солдираман деб югурмабманми?

– Ха, суви келаётган бўлса, ўзинг хам солдириб кўй. Кампиринг учта сўзни эплаб айтгунча етти марта хуштак чалади, овкат еса, пастки лаби бурнини ялаб туради.

– Биздака камтарларга тишсизи хам ёкаверади. Кирк олти йил бирга яшаб, энди "пуф сассик" килармидим?

Учала чол аччиккина чой устида ўтмишни эслаб, ўтган-кетганни хотирлаб, бир-бирини "чандиб" яйраб ўтиришарди. Мен уларнинг кизик гапларини когозга тушириб кўймокчи бўлиб, энди кўлимга ручка тутувдим, Тоганинг гулдираган овозидан бир сапчиб тушдим:

– Мен хомкалла, мен ахмок, чойхонага дастёр деб, галамисни ишга олган эканман-да! Сен болага ўтган сафар нима девдим, ахир. Бу ер санга Худоёрхоннинг мирзахонасимас, чойхона демабмидим, кўрнамак!

– Нега сўкасиз, сиззи ёзаётганим йўк-ку! – дедим жахлим чикиб.

– Кимни бўлсаям, бу ерда ёзма! Хозир одамлар ручка-когоз ушлаганни кўрса, етти чакирим кочяпти. Нима, чойхонани хароб килмокчимисан?

Нима дейишимни билмай, дудукланиб колдим. Хакикатан, чойхонани кетма-кет текширув босаверганидан шубхаланиб юрган Тога ўтган гал ниманидир ёзиб ўтирсам, кўриб колган ва кулокнинг тагига бир шапати туширган эди. Минг тавба билан хайдалишдан кутилиб колгандим. Аммо шундан кейин Тога хавфсираб, чойхонани анча эпакага келтириб кўйди. Чойнак-пиёла, кўрпачаларни янгилади. Энди шуларнинг аламини хам биратўла олмокчи шекилли.

– Яна нима шумлик бошляпсан, ўзи? – бакира кетди у ўдагайлаб. – Чивин амалга минса, лайлак саломга келибди, дегандай энди бу мишикихон ёзишни биларканлар, деб етти букилиб таъзим килиб юрайликми?

– Мен шунчаки... Бир нарса келиб колувди...

– Етим деб елкангни силаса, бошга чикасан, нонкўр! Бўлди, бардошим тугади! Эртадан бу ерда корангни кўрмай, итвачча!

– Илтимос, хакорат килмасангиз! Олдин аникланг, кейин...

– Ў, хали тиллари хам чикиб копти-ку галамисхоннинг!

Энди жавобга оўиз жуфтлаган эдим, чоллар ўртага тушиб, Полвонни инсофга чакира бошлашди:

– Хай, Полвон, шайтонга эрк берманг. Ўзи яхши болага ўхшайди, энди ёзмайди. – Кейин менга кўз кисиб гапира кетишди. – Тавба килдим де, дарров Полвондан кечирим сўра!

Аmmo кечирим сўрашга улгурмадим, Полвон кўлини терси билан кафтига шапатилаб, чолларга гапира кетди:

– Сизлар тушунмайсизлар-да, хозир хамма билагон, хаммаси ёзишга уста. Шилт-пилт килиб сирингни билиб олади-да, дарров устингдан шикоят ёзади. Ана унда кўраверинг текшир-текширни! Тинчитгунингизча кўзингиз корайиб, сочингиз окариб кетади.

– Ха, айбингиз бўлмаса, нимадан чўчийсиз, Полвон. Чойхонангиз хавас килгудай. Бўйнида илллати борнинг оёги калтирайди, деганларидай ё ўзлари хам халигидака... – Пўрим икки бармогини бир-бирига ишкалаб кўрсатди.

– Огизга караб гапиринг, Пўрим, – Тога тутокиб кетди. – Бир вақтлар дўпписи ерга тушиб кетса, беш сўм бериб олдирадиган Полвонни жа харомхўрга чикариб кўйманглар.

Мен ҳам хазар киламан бировнинг хакидан. Аммо шароит мажбур килиб кўяркан-да. Хали униси "чўз" деб турса, хали буниси лабини ялаб турса. Бошкаси келиб: "Атом асрида чойхонага бало борми?" юракни шигиллатса. Ахир, тушунинглар, кураш тушишдан бошка хунарим бўлмаса! Уни ҳам килмасликка касам ичган бўлсам! Эртадан-кечгача кўккайиб, биров йўталса "лаббай!" деб туришдан мурод шу чойхонани ҳам кўп кўриб, бекитиб кўйишмаса дейман-да!

– Хай-хай, у кунни сира кўрсатмасин! – Энди Тажанг гапга аралашди. – Ўзбекни ўзбек килиб турган шу чойхона-ку! Унда биздака тор ховлига сигмай, келинларнинг кош-ковогидан безиган чоллар каёкка боради? Ресторанда чордона килиб ўтиролмасанг, дангир-дунгурдан битта гапингни гаплашолмасанг, бир ойлик нафаканг битта тушликка етмаса!

– Шуни айтинг, Тажанг, – деди Юнус ота. – Ўн беш йил олдин ўглим Сочига саёхатга олиб борувди. Чойхонаси йўклиги учун уч кундаёқ зерикиб колдим. Хонада чой дамлаб бериб турди, аммо ёнингда улфатларинг бўлмаса, кизиги йўк экан.

– Э, сиз Сочини гапирасиз. – Пўрим Юнус отанинг тиззасига кўлини кўйиб гап бошлади. – Эшитишимга караганда, ўзимиззи Тошканда ҳам чойхоналар камайиб кетибди. Борларидаям пиёла зовутига ўт тушгандай, истаконда чой ичишармиш. Биззи чойхоналарга ўхшаб, эшигининг олдида лўмбиллаган нонлар, катик-каймоқлар ҳам сотилмас экан. Ўтган куни кўшним анжир сотгани борган экан, хафсаласи пир бўлиб кайтиб келди.

Бу гаплар Тогага сариёгдай ёкиб, янаям авжига минди:

– Ўлманг, мен ҳам шуни айтяпман-да! Кўша-кўша шохона ресторан куришга пул бор, бироқ баъзиларнинг ўйлашича, чойхона – "игвохона". Шу ерни ремонт килдириб олгунча ялинавериб тилиминг туки чикди. Агар жа кўлинг кичиётган бўлса, шуни ёз!

Хисоблаб кўрсам, таътилнинг тугашига уч кун қолибди. Бугунги жанжал бахона силликина бўшаб олсам бўлади.

Кечгача хизматни ўн чандон аълорок килиб турдим. Чойхонада одам сепсилгач, Мамарайим акага юрагимни очдим:

– Э, ука-ей, шунгаям хафа бўлиб юрибсанми? – деди у салмокланиб чойнак жўмрагини жимжилоги билан тозаларкан. – Полвон тоганг бир лов этадию дарров ўчади. Эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай ишга келавур.

– Ахир кўрдингиз-ку, айбим бўлмасаям, канака хакоратлади.

– Энди бошлик бўлганидан кейин сўқади, уради. Биз чидаймиз-да!

– Мен чидамайман. Эртаданок кетаман!

Мамарайим ака хаёл сургандай жимиб колди. Кейин индамай ёнини кавлаб, менга пул узатди.

– Бир хафталик хакинг. Полвон тоганг берди.

Кейин яна сукутга чўмди. Кўли ишдаю унсиз пичирлайди, лик-лик ютинади. Кейин махзун овозда гап бошлади:

– Сенга койилман, укам. Мана, унинг бир огиз дўкига кетяпсан. Мамарайим эса ўн олти йилдан буён пўписасигаям, хакоратигаям чидайди. Кани энди юрак бўлсаю, манам икки огиз жавоб кайтариб, хумордан чиксам. Йўк, мен буни киллолмайман. Бу ердан хайдалсам, мендак омини ким кучок очиб кутиб олади? Кайси гамхўрим ёнимга кириб, тасалли беради? Мана шунака, укам, бу хаёт деганларинг Гулом кандолатчининг холваси эмас. Аммолайкин, сенга беш, ота ўгил.

Кўнглим бузилиб кетди. Кўлимдан келганича Мамарайим акага тасалли бердим. Негадир тўлиб-тошиб турган эканми, кўлидаги чойнакни шакур-шукур килиб, яна гапира кетди:

– Салкам бир ой шу ерда ишлаб, ўзинг анча нарсани тушуниб колдинг. Канча-канча турфа одамларни кўрдинг. Уларнинг хурсандчилигиниям, гаминиям эшитдинг. Дунёда яхши одам кўп, аммо ёмониям етарли. Жон ука, агар хафсала килсанг, шуларнинг хаммасини бир китоб килгин. Мениям кўшиб кетсанг, майли. Сезиб юрибман, ёзишга иштиёкинг борга ўхшайди.

– Кўлимдан келармикан? – дедим Мамарайим акани хафа килиб кўймаслик учун.

– Келади. Унча ковушмасаям, ёзавер. Акалли юзтадан биттасининг дилига жиндай малхам кўёлсанг, юзтадан биттасига ёрдаминг тегса, эзгулик иморатига битта гишт кўйган бўласан. Ахир бундан хам савоб иш борми дунёда?

– Хўп, Мамарайим ака, сиз учун шу ишни килганим бўлсин.

Унинг елкасидан тоғ ағдарилгандай чехраси ёришиб кетди. Ота-боладай кучоклашиб ажралишдик. Тўлкинланиб, энтикиб Чорсудаги чойхонаю унинг олакуррок мижозлари билан гойибона хайрлашдим. Эшикдан чикарканман, оркамдан мўлтираб колган Мамарайим акага "албатта ваъдамни бажараман" дегандай бош ирғаб кўйдим.

1985 йил.

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН